

Аллоҳим, бизларни Қадр кечасига соғ-омон етказ!



10:47 / 02.04.2024 2143

- Бир кечаси минг ойдан яхши бўлган кун келишини ёдимизда тутайлик! Унга ҳозирдан тайёргарлик кўриш лозим! Аллоҳим, бизларни Қадр кечасига соғ-омон етказ!

- Эртага ҳайит, деб эълон қилинганида мўмин киши ўтказиб юборган намозидан, Қуръон тиловатидан чалғитган нарсасидан ва иштирок эта олмаган хайрли ишдан ёки беҳуда ўтказган вақтидан пушаймон бўлади. Шундай экан, надомат қилишдан олдин ушбу фурсатни ғанимат билайлик!

- Рамазон: «Қурбинг етганича мени ғанимат бил! Мен бир неча кунман

холос!» деб айтади.

– Гўзал дуолардан бири:

«Аллоҳим! Сендан гўзал рўза ва гўзал хотимани сўраймиз. Рамазонда зиён кўргувчилардан қилиб қўйма!»

–Рўзанинг икки зийнати бор:

1. Ботиний зийнат – тақво. «Шоядки тақводор бўлсангиз» (Бақара сураси, 183-оят).

2. Зоҳирий зийнат – виқор ва одоб.

«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, Аллоҳ унинг таоми ва ичимлигини тарк этишига муҳтож эмас».

Бухорий ривоят қилган.

– Ким Рамазоннинг ярмини чиройли суратда адо этган бўлса, ойнанинг қолган қисмида ҳам мукамалликни таъминласин. Ким ўтган ярмида камчиликка ва дангасаликка йўл қўйган бўлса, тавба ва тузатишни ўзига лозим тутсин.